Qishloq hayoti

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 18-mart, yakshanba 29 (8892)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ҚАНЧА КЎП ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛСА, ОДАМЛАР ШУНЧАЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17 март куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларининг кун сайин ўзгариб, обод бўлиб бораётгани, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалаётганида ҳам ўз аксини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда вилоятга ташрифлари чоғида Самарқанд шаҳри ва бошқа туман, шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишларини кенг кўламда давом эттириш, туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифаларни белгилаб берган эди. Мазкур топшириқлар ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ошди. Замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари бунёд этилди. Ташрифлар чоғида тақдимоти ўтказилган 15 та лойиҳа ишга туширилди, 18 таси бўйича белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда олиб борилаётган бу каби ишлар, белгиланган вазифаларнинг ижроси ва лойиҳаларнинг амалий натижаси Президентимизнинг доимий эътиборида.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифини Имом Бухорий мажмуаси зиёратидан бошлади.

Ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Буюк мутафаккир бобомиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий хоки манғу қўним топган ушбу маскан ислом маърифати ва аждодларимизнинг муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб қилувчи улуғ зиёратгоҳдир. Халқимиз маънавий ҳаётидан чуқур ўрин олган ушбу гўшани реконструкция қилиш ва узоқ-яқин давлатлардан келадиган зиёратчилар учун янада кўркам қадамжога айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз 2017 йил ноябрь ойида мажмуага ташриф буюрганида бу борада амалга ошириладиган ишлар концепцияси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берган эди. Шу асосда мажмуани реконструкция қилиш ҳамда ушбу масканга зиёрат туризми бўйича келувчи сайёҳлар учун барча хизмат турларини қамраб олувчи меҳмонхона ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича лойиҳа-таклифлар тайёрланди.

Шавкат Мирзиёевга шу ҳақда маълумот берилди.

Лойиҳага кўра, таъмирлаш ишларини мажмуа ҳудудини уч қисмга ажратган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш мўлжалланган. Аввало, ёдгорликнинг олд қисмини икки қават қилиб кўтариш, масжидни кенгайтириш, 250 ўринли зал, юқори мартабали меҳмонларни кутиш хоналарини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мажмуа рўпарасида меҳмонхоналар, бозор, гипермаркет, савдо ва маиший хизмат мажмуалари, кафе ва чойхоналар, миллий ҳунармандлик устахоналари, спорт майдони қуриш режалаштирилган. Ушбу ҳудуд ва мажмуа ўртасида фавворалардан иборат 850 метрлик аллея, унинг ёнида француз услубида ландшафт дизайни асосида баҳаво йўлаклар барпо этилади. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида мажмуа яқинида маҳаллий ва вилоятлараро йўналишларда қатновчи автобуслар учун автовокзал ҳамда 700 ўринли автомобиллар тўхташ жойи қурилади, мажмуага олиб борувчи йўл бўйида қишлоқ аҳолиси учун икки қаватли турар жойлар бунёд этиш белгиланган.

Бу ишлар амалга оширилгач, зиёратгоҳда бир вақтнинг ўзида 3-4 минг сайёҳга замонавий хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

– Биз юртимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур концепция лойиҳасини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиш, мажмуанинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ҳамоҳанг бўлишига эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи доирасида Оқдарё туманидаги "Даромад бахт омад" масъулияти чекланган жамияти томонидан гидропоника усулида ташкил этилган иссиқхона билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар билан суҳбатлашди.

Гидропоника – бу ўсимликларни сунъий муҳитда тупроқсиз етиштириш усулидир. Унда ўсимликлар озуқани илдизларини ўраб турган эритмадан олади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда экспортбоп маҳсулот етиштириш мақсадида барча ҳудудларда гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Ихчам ва самарадор бундай иссиқхоналар юқори сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Бундай иссиқхонанинг яна бир афзаллиги шундаки, унда махсус унумдор ерга зарурат йўқ. Тўлиқ автоматлаштирилган назорат тизими билан бошқарилади. Жойдан максимал даражада фойдаланиш имконияти мавжуд. Маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган энергия ресурслари анча арзон. Тежамкор усулда суғориш ва озиқлантириш тизими мавжуд.

"Даромад бахт омад" масъулияти чекланган жамиятида ҳозир 4 гектар майдонда гидропоника усулида ташкил этилган иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 22 доимий, 30 дан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Иссиқхонанинг дастлабки ҳосилидан 220 тоннадан ортиқ маҳсулот йиғиштириб олиниб, унинг қарийб тенг ярми Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинади.

– Оқдарё туманини пахтадан озод қилдик, – деди Президент. – Туманнинг зах, тошлоқ ерларига гидропоника жуда мос. Бундай иссиқхоналарни кенгайтириш, нима бозорбоп бўлса, шуни экиш керак. Бу йўналишни ривожлантириш учун мутахассислар тайёрлаш зарур.

Шу ерда Самарқанд вилоятида парандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент лойиҳалар қамровини ошириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди. Тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари соя ёғи харидоргир ва соғлиқ учун фойдали экани, унинг шроти парранда учун зарур озуқа бўлишини таъкидлади. Мазкур йўналишдаги ишларни кенг кўламда давом эттириш ва ривожлантириш учун соя етиштирувчилар ассоциациясини тузиш бўйича кўрсатма берди.

Президентимиз Оқдарё туманидаги "Муштарий Оқдарё" масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик фабрикасида ҳам бўлди.

Ўтган йили ноябрда иш бошлаган ушбу корхонада хотин-қизлар ва болалар учун 20 хилга яқин трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Табиий матодан тайёрланаётган сифатли кийим-кечакларнинг асосий қисми Россия, АҚШ ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Бу ерда айни пайтда беш юзга яқин хотин-қиз, жумладан, коллеж битирувчилари меҳнат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фабриканинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, маҳсулотларни кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Бундай замонавий корхоналар иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутишини, шу каби фабрикаларни ҳар бир туманда камида иккитадан ташкил этиш, трикотаж кластерлари яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Биринчи навбатда, иқтисоди нисбатан оғир бўлган Қўшработ, Нуробод сингари туманларда бу каби трикотаж корхоналарини ташкил қилишимиз керак, – деди Президентимиз. – Етиштирилаётган пахта ҳосилини имкон қадар вилоятларнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотишни йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан фойдали бўлади. Қанча кўп иш ўрни яратсак, аҳоли биздан шунчалик кўп рози бўлади, турмуш фаровонлиги яхшиланади.

Шу ерда "Ургут" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар, вилоятда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва ихчам гидроэнергетика станциялари лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Каттақўрғон шаҳри мисолида Жаҳон банки иштирокида кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш дастури ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа ва дастурларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Самарқандда "КамАЗ" автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишув чоғида Президентимиз маҳаллийлаштириш, автомобиллар экспортини ошириш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Иштихон тумани "Хумо" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Хина қишлоғида "Иштихон томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳоли даромадини кўпайтириш, томорқадан унумли фойдаланишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилда ташкил этилган жамият юқори навли кўчат ва уруғ етиштириш ва тарқатиш, зотдор чорва моллари етказиш, аҳоли томорқасига техник хизмат кўрсатиш, ўсимликларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш хизматини ташкил қилиш, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланмоқда.

Хина қишлоғида 1 минг 200 дан зиёд аҳоли тасарруфида бугунги кунда 34,2 гектар томорқа мавжуд. Бу ерда томорқадан унумли фойдаланиш, оила фаровонлигини таъминлаш билан бирга, дастурхонимиз тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари мазкур қишлоқда яшовчи Тошқувват Ражабов хонадонига ташриф буюрди.

71 ёшли Тошқувват ота 14 фарзандни эл корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаган. Бугунги кунда улар қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт ва тадбиркорлик соҳаларида юртимиз тараққиёти учун меҳнат қилмоқда. Отахон томорқасида иссиқхона қуриб, помидор ва бодринг парваришини йўлга қўйган. Бу йил томорқадан 10 миллион сўм даромад олишни мўлжалламоқда.

Шу ерда "Обод қишлоқ" дастури асосида Нуробод тумани Жом қишлоғини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, боғча, деҳқон бозори, турар жой биноларини таъмирлаш, қишлоқ врачлик пунктини реконструкция қилиш каби муҳим лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

– Томорқадан қишин-ёзин даромад олса бўлади. Бирор қарич ер бўш турмаслиги лозим, аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданиятини оширишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу куни Пастдарғом тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолини электр энергияси, табиий газ билан узлуксиз таъминлаш, 11 та қишлоқлараро ва туманлараро янги автобус йўналишлари очиш, Самарқанд вилоятида қўшимча 642 намунавий лойиҳадаги арзон уйлар қуриш, аёллар ва ёшлар жиноятчилигини камайтириш масалалари ҳақида сўз юритилиб, мутасаддиларга бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йил 17 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 29 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда.

"Давлат мукофотлари тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Ўзбекистон Республикаси уй-жой-коммунал хизмати соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги, "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларини кўриб чиқади.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитади ҳамда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракага ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Шу билан бир қаторда, Кенгаш аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 50 (эллик), 100 (юз), 200 (икки юз) ва 500 (беш юз) сўмлик тангалар чиқариш тўғрисидаги таклифи, уларнинг намуналари ва дизайни кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Ишбилгичлар маскани – Олтиариқ

Мамлакатимиздаги шиддатли ривожланишлар, мислсиз бунёдкорликлар, янгиликлар яратишга ёниқиб интилишлар, фуқаролар онги ва турмушида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, одамлар кайфиятидаги кўтаринкиликнинг аксини бугун Олтиариқда ҳам яққол кўриш мумкин.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Олтиариқ илгарилари доривор турплари, айниқса, сехргар деҳқонларининг уддабуронлиги боис юртимиз бозорларига баҳорнинг бошларидаёқ биринчи бўлиб кириб борувчи "қорапўстлоқ", "олақашқа" каби бодринглари билан донг таратганди. Энди республикамизнинг ҳар гўшасида иссиқхоналар кўпайиб, бодринг дегани қишин-ёзин расталарда тўлиб ётадиган бўлгач, олтиариқликлар бир силкиниб, миришкорликда тенгсиз узумчига айланди қолди.

Водийда тилга тушган Ҳусанбой узумчининг хонадонидамиз. Отаси Абдулла бува ўн олти сотихли узумзорини унга мерос қолдираётиб, агар болангга қарагандек қарасанг, бу токлар болаларингнинг болалариниям боқади, деган экан.

– Отам раҳматлининг гапи тўғри чиқди, – дейди Ҳусанбой. – Узумчиликка меҳр қўйиб, шунинг даромадидан беш фарзандни кам-кўстсиз ўстирдим. Бировдан бир тийин қарз олмай тўрт ўғилга уй қурдим, уйлантирдим, бир қизни узатдим.

Ҳусанбой токзорининг кичик қисмидаги совуққа чидамсизроқ "қизбармоқ"ларни куздаёқ сотиб юборади. "Ҳусайни"лар эса деярли тўлиғича қишга асраб қўйилади. Ҳозир ҳам токларнинг ташқи ҳовли иморатлари орасидаги қисмида устига кенг плёнка тортилган узумлар қоғоз ўранчиқлар тагидан мўралаган асно, мени уз, деб турибди.

Томорқа тарафдаги узумларларнинг меваси эса яшикларга қатор терилиб, узум бандининг икки ёғидан уч-тўрт энлидан қилиб қирқилган калтакларнинг бир учи сувли идишчаларга тиқиб қўйилган ҳолда алоҳида уйларда асралмоқда. Бундаги асосий сир маҳсулотни қайси пайтда салгина иситиб, қачон шамоллатиб туришни билишда. Ҳусанбойнинг айтишича, бу меъёрни билишнинг аниқ қўлланмаси йўқ, киши ўзини узум деб фараз қила олиши, унинг ҳолатини ўз танасидек ҳис эта билиши керак.

(Давоми 4-саҳифада)

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилдаги резолюциясига асосан 22 март – "Бутунжаҳон сув куни", деб эълон қилинган. Одатда шу сана муносабати билан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уни ифлослантиришга йўл қўймаслик ва сув муаммоларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Беминнат, аммо туганмас эмас

Халқимиз томонидан азалдан табиатнинг беминнат инъомлари ичида сувга алоҳида эътибор билан қаралиб келинган. Чунки бу бебаҳо неъматсиз ҳаёт йўқ. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз "Сув – ҳаёт манбаи" деб таърифлашган. Бу қарашлар бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини асло йўқотган эмас. Бизда аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади.

Деҳқончиликни эса обиҳаётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мавжуд сув ресурсларининг 90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун сарфланади. Қолган 10 фоизигина бошқа соҳалар учун сарфланади, бундан кўринадики, сувни бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида иқтисод қилиш ўта муҳим.

Республикамиздаги сув ресурсларини таҳлил қиладиган бўлсак ҳамда рақамларни бошқа давлатлардаги рақамлар билан солиштирсак, бизда сув таъминоти анча юқори эканлигининг гувоҳи бўламиз. Сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, сув ресурсларининг эса йилдан-йилга камайиб бориши бизни мавжуд сувнинг ҳар томчисидан унумли фойдаланиш устида ўйлашга ва ишлашга мажбур қилади.

Мавжуд сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ишлатилар экан, сув ресурсларини тежаш, сув захираларидан самарали фойдаланиш, сувни исроф қилишга йўл қўймаслик каби масъулиятли вазифалар ҳар биримизнинг зиммамизга, айниқса, сувни қишлоқ хўжалигида ишлатадиган фермер хўжаликлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалиги ўз ҳисобидаги суғориш тармоқлари ва улардаги сув иншоотларини сифатли қилиб таъмирлаши, ариқларни механизм ёки қўл кучи билан лойқалардан тозалаши лозим. Бунинг натижасида суғориш тармоқларининг фойдали иш коэфициенти ортади, тармоқда сувнинг беҳуда йўқолиши камаяди.

Қиш ва эрта баҳорда сувлар бекор оқиб кетади, мана шу сувларни далада олиб қолиш учун шўрланган ерларнинг шўрини ювиш, ҳайдалган ерларни текислаб, пушта олиб далага нам сув бериш, боғ ва токзорларга чилла суви бериб нам тўплаш каби ишларни амалга ошириш муҳим тадбирлардандир. Улар сифатли амалга оширилса, келгусида ерларнинг сувга бўлган талаби маълум муддатга кечикади, баҳорги суғориш муддати бирмунча орқага сурилади. Деҳқон пахтага чигит суви беришдан қутулади, биринчи саратон суви бериш муддати эса анча муддатга кечикади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш баҳорги экишдан олдин экин майдонларини суғоришга қай даражада тайёрлашдан бошланади. Ер текислаш ишлари сифатли амалга оширилмаса, далада суғориш ишларини тўғри бошқариб бўлмайди. Яъни сувнинг кўп сарфланишига ва оқибатда тупроқдаги намлик даражасининг кўпайишига сабаб бўлади. Деҳқонларимиз азалдан экинларни эгатлаб суғориш усулидан фойдаланиб келадилар. Уни бошқа усулларга нисбатан кам харажатли деб тушунадилар. Аслида эса бу усулни қўллаш орқали сарфланган ортиқча сув, меҳнат ва бошқа материаллар пулга чақиб кўрилса, аксинча кўп маблағ сарфланаётгани аён бўлади.

Энг ачинарлиси, суғориш даврида меъёрдан ортиқ сарфланаётган сув экинга ва тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Деҳқончиликда тупроқдаги ортиқча намлик салбий оқибатларга олиб келади. Экин майдонини қўллатиб суғориш натижасида вужудга келган тупроқдаги ортиқча намлик "ҳаво-туз-озуқа-сув" режимининг бузилишига олиб келади ҳамда сув ўзи билан фойдали элементларни ювиб чиқиб кетади. Бу эса, табиийки, экиннинг тупроқдан ўзига керакли озуқаларни олишини таъминлай олмайди.

Суғориш даврида кўпинча даланинг этак қисми яхши намланиши учун сув пайнобга оқизиб қўйилади. Пайнобга чиқаётган сув эса ернинг унумдор қатламини ҳамда солинаётган минерал ўғитларни ювиб чиқиб кетади.

Сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида, яъни аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга сарфланади. Аҳоли сонининг ўсиб бораверишi ҳисобига эса экин майдонлари кенгайиб бораверади. Бунинг натижасида, албатта, обиҳаётга бўлган талаб ҳам ошиб боради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу жиҳатлар ер ва сувнинг маҳсулдорлигини ошириш устида ишлашни тақозо этади. Мавжуд ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинининг ҳосилдорлигини 2-3 баробарга ошириш, сарфланаётган сувни эса 1,5-2 баробарга камайтиришни ўйлашимиз зарур бўлади. Бунга мисол қилиб охирги йилларда ташкил қилинаётган интенсив боғларни келтириш мумкин. Уларда ҳосилдорлик маҳаллийларига нисбатан анча юқори, сарфланаётган сув миқдори эса томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ҳисобига бир неча баробарга камдир.

Умуман олганда, сув ресурсларидан фойдаланиш борасида бир авлоднинг кўз ўнгида ўзининг 90 фоиз сувини йўқотган Орол денгизи фожиаси бизга дарс бўлиши керак. Сувдан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурч ва масъулиятимиз бўлмас экан, обиҳаёт етишмовчилиги масаласи очиқ қолаверади.

Келинг, ўз уйимизда, маҳалламизда, даламизда сувни тежашга, уни исроф қилмасликка ва ифлослантирмасликка амалий ишлар билан киришайлик! Сувдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш тартиб-қоидаларига риоя этайлик!

Хушнудбек ҲАМИДОВ,
"Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 январдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори асосида жорий йилдан бошлаб Элликқалъа туманида пахта янги усулда етиштирилади.

Навбатдаги кластер Элликқалъада

Ушбу мақсадда туманда "Boston Klaster" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Лойиҳа доирасида жорий йилда 11 минг 40 гектарга чигит экилади. Ҳар гектар ердан ўртача 22 центнердан жами 24241 тонна пахта хомашёси етиштириш режалаштирилмоқда.

Ушбу лойиҳанинг толани йиллик қайта ишлаш қуввати 10000 тонна бўлиб, 8500 тоннадан ип-калава, ундан эса 10 миллион погонометр жинси матоси ҳамда 3500 тонна юмшоқ сочиқ маҳсулоти, қолган 14200 тоннадан зиёд хомашёдан ип-калава ишлаб чиқарилади. Натижада 600 та янги иш ўрни яратилади.

– Бугунги кунда "Boston Klaster" масъулияти чекланган жамияти билан пахтачиликка ихтисослашган 380 та фермер хўжалиги ўртасида контрактация шартномалари тузилди, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Алимбой Сейтимбетов. – Жорий этилаётган янги усул фермерларимизда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

"Boston Klaster" МЧЖ фермер хўжаликларига ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш ва етиштирилган пахта хомашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга яқиндан кўмаклашади. Фермер хўжаликларига лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш, минерал ўғитлар, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, пахтани кимёвий ва биологик усулда ҳимоя қилиш ва бошқа моддий ресурсларни етказиб беради. Корхона харид қилинадиган пахта хомашёси нархини фермер хўжаликларининг рентабеллигини ҳисобга олиб, агротехнологик хариталар асосида шакллантирадиган харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

– Янги усулнинг жорий этилиши фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлигининг ошиши билан бирга уларнинг ишнинг охирги натижасига бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қилади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Оралбой Қалханов. – Фермер хўжаликлари эндиликда аввалгидек фақат етиштирган пахта хомашёси учунгина эмас, балки тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган жараёнгача даромаддан тегишли улушини олади. Бу эса хўжаликнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишида ижобий самара беради.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига қилган ташрифи чоғида узоқ тарихга эга достончилик ва бахшичилик мактаби халқимизнинг том маънодаги миллий ғурури эканини алоҳида таъкидлаб, Наврўз байрами арафасида мамлакат бахшиларига республика семинарини ўтказиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

ТЕРМИЗДА БАХШИЛАР ҚУР ҚУРДИ

Ушбу устувор вазифадан келиб чиққан ҳолда Термиз шаҳрида бахшичилик санъатини ривожлантириш истиқболларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Олимлар, соҳа мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси жировлари, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилояти бахши-шоирлари ва ёшлар иштирок этган анжуманда бахшичилик санъати билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар таҳлил қилинди. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари бўлган достонларни асраб-авайлаш, ривожлантириш, бахши, оқин ва жировларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш борасида руёбга чиқарилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Семинарда олимларнинг мавзуига доир маърузалари тингланди, юртимизда бахшичилик санъатини ривожлантириш, тарғиб қилиш, улар ижодининг ўзбек маданияти ва санъатидаги ролини ошириш, мазкур санъатни таълим тизимига татбиқ этиш масалалари бўйича ҳам таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Дилфуза ЖЎРАЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўрмонлар – Ер сайёрасининг яшил бойлиги. Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларда ўрмонлар мавжуд бўлиб, улар қуруқликнинг 30 фоиздан кўпроқ қисмини қамраб олган. Ўрмонларнинг она табиат мусаффолигини сақлаш, бозорлар ва дастурхонимиз тўкинлиги, саноатни хомашё билан таъминлашдаги аҳамияти, ўрни борасида кўплаб маълумотларни келтириш мумкин. Юртимиз шундай бебаҳо ер усти бойликларига эгаки, бундай табиий хазина билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ер ҳам нафас олади – ўрмон ернинг ўпкаси

Маълумки, 2017 йилнинг 11 майига қадар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси фаолият юритиб келди. Очиғини айтганда, бу даврда ўрмон фондини бошқариш бир неча давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилди ва бу борада ягона давлат сиёсати олиб борилмади. Пировардида, соҳада бир қатор муаммоли масалалар юзага келди.

Бу соҳанинг моддий-техника базаси жисмонан ва маънан эскирганлиги, уни модернизация қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантларини жалб қилиш ишларининг оқсаётганлиги, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга эътиборнинг сустлиги, ўрмон қонунчилигидаги айрим меъёрларнинг амалий аҳамияти ва улар ижросини таъминлаш механизми йўқлиги сингари масалаларда намоён бўлади. Натижада ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда қатор қийинчиликлар юзага келди.

Шу боисдан ҳам ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини тизимли амалга ошириш, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2017 йил 11 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатга асосан, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил қилиш йўли билан соҳани бошқариш тузилмаси такомиллаштирилди. Ҳудудлар миқёсида ўрмон фондида бажариладиган ишларни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида Ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўрмон хўжалиги бошқармалари тузилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти ҳокимлиги ихтиёридаги "Угом-Чотқол" давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонаси, "Оҳангарон" ва "Бурчмулла" давлат ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасига илмий ишланмалар, тавсиялар ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази негизида илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бугунга келиб мамлакатимизда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми 11,3 миллион гектардан ортиқ бўлиб, республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,3 фоиздан камроқ эди.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил топганидан сўнг Ўрмон хўжалигига юкланган вазифалар кўлами кенгайди. Булар:

– ўрмон хўжалиги юритилиши даражасини юксалтириш, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни такомиллаштириш;

– муҳофаза ва иҳота ўрмонлари майдонлари кўпайишига эришиш;

– мавжуд ўрмонларни асраб-авайлаб сақлаш, қўриқлаш;

– саҳро ва чўл зоналарида ўрмонлар тиклаш ва барпо этиш бўйича ишлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда Орол денгизининг қуриган қисмида экологик вазиятни яхшилаш мақсадида янги ўрмонзорлар барпо этиш, фитомелиорация тадбирларини амалга ошириш;

– тоғ ён бағирларидаги катта майдонларда, жар ёқаларида ва сув ҳавзалари атрофларида муҳофаза ўрмонлари барпо этиш;

– саноатбоп ёғоч ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш, атроф-муҳитга зиён етказмаган ҳолда ўрмон маҳсулотлари тайёрлаш салмоғини ошириш;

– манзарали ўсимликларнинг янги навларини етиштириш ва экиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, шу жумладан, юқори сифатли ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ушбу соҳага халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, соҳани малакали олий, ўрта ва кичик бўғин кадрлари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича ягона тизимни жорий этишга йўналтирилган қўшимча вазифалар юклатилди.

Амалий ишлар доирасида 2017 йилнинг ўзида ўрмон фонди ерларида 44,5 минг гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этилди ва табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида 18 минг гектарлик ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Ўрмон хўжаликлари эҳтиёжи ҳамда ташкилотлар ва аҳолига сотиш учун 45 миллион дона кўчат етиштирилди. 300 тоннага яқин дарахт ва буталар уруғлари тайёрланиб, бу борадаги ишлар икки баробарга бажарилди.

Ўрмон фонди ерларида 2016 йилда 1000 гектар майдонда ёнғоқмевали дарахтзорлар барпо этилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 4000 гектардан ошиб кетди. Айни пайтда мазкур ҳудудларда писта, ёнғоқ, бодом кўчатлари парваришланмоқда.

Хўжаликларнинг асосий иш фаолиятига зарар етказмаган ҳолда ўрмонларда асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлга қўйилмоқда. Натижада якунланган йилда республика миқёсида ўрмон хўжаликлари томонидан 3178 тонна мевали ва ёнғоқмевали, 4227 тонна сабзавот ва полиз, 7515 тонна озуқабоп экин маҳсулотлари етиштирилди. 15196 асалари оиласидан эса 267 тонна шифобахш асал олинди. 3 гектар сув ҳавзасида 544,5 тонна балиқ етиштирилди. Умумий ҳисобда 73 миллиард сўм даромад олишга эришилди. Бундай ижобий кўрсаткичлар чорвачилик, паррандачилик йўналишларида олиб борилаётган ишларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Истиқболда ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишларни давом эттириш кўзда тутилган.

Жумладан, 2018 йилда 46 минг гектарда янги ўрмонзорлар барпо қилиш режалаштирилган бўлиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 48 минг гектарга етказилади. Шу жумладан, ёнғоқмевали плантациялар 7 минг гектардан ортади. Шунингдек, қоғоз ишлаб чиқариш корхоналарини целлюлозага бой дарахт хомашёси билан таъминлаш мақсадида жорий йилда 1000 гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилади. Манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатларини етиштириш ҳажми 2017 йилда 45 миллион дона бўлган бўлса, 2018 йилда 100 миллион донага етказиш белгиланган. Уруғ тайёрлаш ҳажмини 400 тоннадан ошириш, қўшимча 24 та биолаборатория ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги экин ерлари ва сув хўжалиги объектлари атрофида жорий йилда 500 гектар, 2019 йилда 2495 гектар майдонда иҳота дарахтзорлари барпо қилиш тадбирлари Инвестиция дастурига киритилган. Ҳозирги кунда иҳота дарахтзорларни яратиш бўйича жойларда лойиҳа қидирув ишлари олиб борилмоқда.

2018 йилда 2350 гектар майдонда 71 турдаги доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини барпо қилиш ва 5000 тонна хомашё тайёрлаш, ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига даромад олишни кескин кўпайтиришга, жорий йилда бу кўрсаткични 104 миллиард, 2019 йилда 400 миллиард сўмга етказиш белгиланган.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилгандан кейин халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари кенгайди. Масалан, Навоий давлат ўрмон хўжалигининг Кореянинг "КОИКА" ташкилоти билан ҳамкорликда иссиқхонада кўчатлар етиштириш борасида олиб бораётган ишлари ўз самарасини бермоқда. 2017-2018 йилларда Хоразм ва Хўжайли давлат ўрмон хўжаликларида Туркия Республикаси Бош вазири девони ҳузуридаги Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт идораси (ТИКА) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан давом эттирилаётган ҳамкорликлар эътиборга моликдир.

Бу лойиҳаларнинг ҳар бири 4 йил муддатга белгиланган бўлиб, ҳар бир ўрмон хўжалигида камида 20 гектардан замонавий кўчатхоналар барпо қилиш режалаштирилган. Бу ерда уруғдан ниҳол етиштириш, тарбиялаш, йирик ҳажмли кўчатларни парваришлаш, кўчатларни ёпиқ илдиз усулида контейнерларда ўстириш, уларни сотишдан олдин дорилаш бўлимлари ташкил этилади. Бундан ташқари, Туркиядан ноёб манзарали дарахт ва буталарнинг уруғлари, қаламчалари келтирилиб кўпайтирилади, шунингдек, кўчатхоналарга техник ишлов бериш ва кўчатларни парваришлашга мўлжалланган техникалар, жиҳозлар ажратилади. Келгусида уруғ ва қаламчалар тайёрлаш мақсадида оналик плантацияларини яратиш ҳам режага киритилган.

Мамлакатимиз ўрмончилари БМТнинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат дастури (ФАО) ва Михайил Зукков жамғармаси билан "Марказий Осиё чўлларини муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланиш", Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЦ) ва Германия атроф-муҳит вазирлиги билан "Қуйи Амударё оқимида экотизимнинг барқарорлиги асосида ерлардан фойдаланиш" лойиҳалари асосида фаол изланишлар олиб бормоқда. АҚШ, Россия, Корея, Полша каби давлатларнинг ўрмон хўжаликлари билан мунтазам ҳамкорлик алоқалари давом эттирилмоқда.

Ўрмон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кўплаб янги лойиҳалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилаётир. Шулар жумласига заъфарон (шафран) ўсимлигини кўпайтириш лойиҳаси киради. Бу ўсимлик зиравор ва дориворлик хусусиятига эга бўлиб, унинг пиёзи "Заъфарон" илмий-тадқиқот маркази масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган йилнинг сентябрь ойида Голландиядан келтирилиб, Тошкент, Қашқадарё, Андижон вилоятларида 36,4 гектар майдонга экилди. Шу йўл билан бошқа вилоят ўрмончилик бошқармаларига қарашли майдонларга ҳам етадиган уруғ захираси яратилди.

Бундан ташқари, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб "Агропарвоз" кўп тармоқли авиация ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда Шофиркон ва Қоракўл ўрмон хўжаликларининг техника бора олмайдиган чўл ҳудудларидаги қумликларда саксовул уруғларини стимуляторлар билан гранулалаштириб, яъни донадор қилиб мотоделтапланлар ёрдамида экишни йўлга қўйди. 1000 гектар майдонда саксовулзор ташкил этди. Ҳозирги кунда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича янада кенг кўламли изланишларга қўл урилган.

Шунингдек, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти Навоий вилоятининг Нурота туманидаги ёнгинарчилик миқдори кам бўлган тоғ ва тоғолди ҳудудларида "Аквасорб" гранулаларини, яъни намликни ўзида сақлаб кўчат илдизига оз-оз миқдорда ажратиб турадиган препаратни ёнғоқмевали дарахтзорлар барпо этишда қўллаш лойиҳаси бўйича франциялик олимлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад ана шундай ҳудудларда ёнғоқмевали дарахтзор майдонларни кенгайтириш орқали ёнғоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унумсиз ерлардан ҳам самарали фойдаланишдир.

Яқинда япониялик олимлар билан чўл ҳудудларида "Цистанхи" доривор замбуруғи етиштиришни ўрганиш ва кўпайтиришга оид лойиҳани рўёбга чиқариш юзасидан меморандум имзоланди.

Албатта, шиддат билан ўзгараётган давр истиқболли дастур ва режаларни амалга оширишда ўрмон хўжалиги тизими учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги дасрликлар ишлаб чиқиш, олийгоҳ ва коллежларни малакали, махсус билимларга эга ўқитувчилар билан таъминлашга эътибор қаратишни талаб этади. Бу борада соҳага оид қарор ва фармонлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шавкатжон РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.

Мутахассис тавсиялари

Яхши тайёрланган ер

ЙИЛ ДАВОМИДА ПАХТАКОРНИ ҚИЙНАМАЙДИ

Баҳорнинг илиқ кунлари бошланиб, далаларда ишлар кўпаймоқда. Ҳадемай ерга уруғ тушади. Мўл ҳосил олишнинг энг муҳим омилларидан бири уруғни фурсатида қадашдир. Бунинг учун пухта тайёргарлик талаб этилади.

Дала яхши текисланса, экин барвақт униб чиқади ва соғлом бўлади. Эгатларни сув босмайди, тупроқ бир текисда намланади.

Ер юзасини юмшатиш, тупроқни майин қилиш ҳамда ҳайдалма қатлам ҳавоси алмашинишини яхшилаш учун ер бороналанади. Бороналаш баробарида ер текисланади, бегона ўтлар йўқотилади ва бўғланиш камайиб, нам яхши сақланади. Боронани соатига 7-8 километр тезликда ишлатиш тавсия этилади. Тезлик ундан ошиб ёки пасайиб кетса, сифат бузилади. Тупроқ нами дала нам сиғимига нисбатан 50-60 фоиз бўлганда, бороналаш энг қулай муддат ҳисобланади. Аммо қумоқ, қумлоқ тупроқли ерларда нам бундан юқори бўлганда ҳам бороналаш мумкин. Ернинг юза қисми қуруқ бўлса, бороналаш вақтида фақат кесаклар кўчиб, тупроқ увоқланмайди. Бороналаш чуқурлиги боронани тракторга агрегатлашга, яъни уни узун ёки қисқа ўрнатишга боғлиқ. Чунончи, борона тракторга узун уланса ер чуқур, аксинча бўлса, саёз бороналанади. Шунинг учун улаш узунлиги муайян бўлиши тақозо этилади.

Шўрланган ерларга кузги шудгор олдидан ўғит берилмаган бўлса, шўри ювилгач, фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60 фоизини, калий ўғитининг 50 фоизини экишдан олдин бериш керак.

Ниҳолларни барвақт ва қийғос ундириб олишда пушта усулидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу усул ҳайдов қатламида тупроқ зичлигининг узоқ вақт мақбул даражада сақлаб турилишини таъминлайди. Бундай технологияда тупроқнинг устки қисмида ҳарорат чигит текис далага экилгандагига қараганда 2-3 даража юқори бўлади, чигитлар эса барвақт униб чиқади.

Далага пушта тортиш учун шудгордан кейин тупроқнинг устки қисми бороналаш билан бир вақтда мола босиб текисланади. Шундан кейин пушта тортувчи махсус мосламали трактор чиқарилади. Устки қисмида ўткир чўққилар пайдо бўлган пушталарга сеялка ёрдамида чигит экиш мумкин эмас.

Пуштанинг устки қисмида чигит экувчи сеялканинг экишгичлари юриши учун 18-20 сантиметр кенгликда кичкина майдон қилиш мақсадида пушта тортувчи мослама енгил мола билан таъминланади. Молани ўлчамлари 50х50 миллиметр бўлган бурчакли темирдан тайёрлаш мумкин.

Пуштага чигит экиш пайтида трактор ва сеялка ғилдираклари эгатлар тубидан ўтади ва чигит экилаётган пушталардаги тупроқни зичлантирмайди. Аммо пуштага экиш учун текис ёки бирмунча қия, тупроғи шўрланмаган, шунингдек, кам ўртача шўрланган, лекин шўри яхши ювилган майдонлар танланади. Шундай қилинганида чигит пуштанинг устки қисмига экилади. Бу эса чигит экишни 3-4 кун эрта бошлаш имконини беради. Пуштанинг устки қисмида ҳосил бўлган қатқалоқнинг қалинлиги 1-2,5 марта, мустаҳкамлиги эса 2-3 марта кам бўлади.

Кейинги йилларда юртимиздаги қатор фермер хўжаликларида пуштага экиш тажрибаси кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу тадбир чигитни барвақт ва қийғос ундириб олиш имконини беради. Шу билан бирга, ҳайдов қатламида тупроқ зичлиги узоқ вақт мақбул даражада сақланиб туришини таъминлайди. Бундай далаларда қатқалоққа қарши курашда кўп вақт талаб қилинмайди. Чуқур эгатлар бўйлаб суғориладиган тупроқнинг капилляр сув оқими билан намланиши таъминланади. Бу билан ғўзанинг вегетацион даврида ҳайдалган тупроқ қатламида узоқ вақт намлик сақланишига эришилади. Ғўзанинг интенсив ривожланиши учун керак бўлган қулай иссиқлик ва озиқланиш шароитлари яратилади.

Ренат НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Мурожаат қулайлиги – муаммога осон ечимдир

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаш, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

Хусусан, ўтган 2017 йилнинг Президентимиз томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ҳам юртимизда инсон омилига бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури асосида чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, инспекциянинг ички буйруқлари чиқарилди. Шу асосда инспекцияга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ва жойларда ташкил этилган сайёр қабулларда аҳолини қийнаётган муаммолар ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Аҳоли ва тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларда ўрганилган муаммо ва уларнинг ечимлари фаолият шаффофлигини таъминлаш мақсадида инспекция расмий веб-сайтининг "Инспекция янгиликлари" бўлимида жойлаштириб борилди. Шунингдек, ишонч телефонлари орқали мурожаат қилиш тизими ҳам тубдан яхшиланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва соҳада фаолият юритаётган субъектлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бажаришда йўл қўйиладиган камчиликларнинг олдини олиш ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келган масалаларни ижобий ҳал этишга оид элликка яқин мурожаат келиб тушган. Мурожаатлардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, 19 таси Ягона портал, яна иккитаси инспекциянинг расмий электрон почтаси, 22 та ёзма ва 1 та тўғридан-тўғри инспекция бошлиғининг виртуал қабулхонаси орқали қабул қилинган.

Шунингдек, "Ўздонмаҳсулот" АК билан ҳамкорликда аниқ режа-жадвал асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда сайёр қабуллар ҳам ташкил этилди. Сайёр қабулларда тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тингланди, кўтарилган масалалар бўйича атрофлича тушунчалар берилди.

Жорий йилда ҳам мурожаатлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

Эълонлар

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ФАРҒОНА СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»

давлат унитар корхонаси қуйидаги объектлар бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

1. "Фарғона вилояти Сўх туманидаги "Шарқобод сув олиш иншоотини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 3 172 061 672,4 сўм, ҚҚСсиз – 2 643 384 727,0 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 5 ой.

2. "Фарғона вилояти Сўх туманидаги "Умбара, Девайрон, Ленбург қишлоқлари ҳудудидаги Сўх дарёси ҳимоя дамбаларининг чап қирғоғини мустаҳкамлаш тадбирлари".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 3 258 226 788,0 сўм, ҚҚСсиз – 2 715 188 990,0 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 5 ой.

3. "Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги "Шарқ-Юлдузи" лоток тармоғини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 944 407 297 сўм, ҚҚСсиз –787 006 081 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 19 ой.

4. "Фарғона вилояти Бувайда туманидаги "Қўштепа" лоток тармоғини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 2 115 937 586 сўм, ҚҚСсиз – 1 763 281 322,0 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 9 ой.

5. "Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги "Дўрмон-1" лоток тармоғини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 462 987 744 сўм, ҚҚСсиз – 385 823 120 сўм. (Лоток қиймати буюртмачи ҳисобидан (ҚҚС билан – 524 112 000 сўм, ҚҚСсиз 436 760 000 сўм).

Ишларни тугаллаш муддати: 16 ой.

6. "Фарғона вилояти Сўх туманидаги "Ҳушёр" насос станцияси (3-босқич) темир қувурларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚС билан – 4 062 046 062,0 сўм, ҚҚСсиз – 3 385 038 385,0 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 4 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Буюртмачи: "Фарғона сув қурилиш инвест" ДУК.

Танлов ташкилотчиси: "Фарғона сув қурилиш инвест" ДУК.

Танловда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан "Фарғона сув қурилиш инвест" ДУКнинг Танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Фарғона шаҳри Ал-Фарғоний кўчаси 92-уй. **Тел.:** (0-373) 244-72-73.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар) танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

Танловда фақат Давлат реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этади.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

«ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган биносини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: (ҚҚС билан) **6 709 150 000 сўм**.

Ишларни якунлаш муддати: 9 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Буюртмачи: "Тошкент сув қурилиш инвест" ДУК.

Танлов ташкилотчиси: "Тошкент сув қурилиш инвест" ДУК.

Танловда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан "Тошкент сув қурилиш инвест" ДУКнинг Танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри Бектемир тумани Роҳат кўчаси 13-уй. Тел:+99871-230-73-66.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

Танловда фақат Қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этади.

Эълонлар

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти қуйидаги объектлар бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

1. Лот-19-1: "Фарғона вилояти Ёзёвон тумани "Навбаҳор" СИУ ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 1 269 561 026,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 8 ой.

2. Лот-19-2: "Жиззах вилояти Зарбдор тумани "Оқ олтин", "Мустақиллик қўёши", "Кериз", "Бўстон", "Истиқбол", "Нурафшон" ва "Шарқ юлдузи" СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш. (3-босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 4 073 820 046,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 16 ой.

3. Лот-19-3: "Сурхондарё вилояти Бойсун, Денов ва Қумқўрғон туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 3 026 537 768,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 14 ой.

4. Лот-19-4: "Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Меҳнат-Роҳат-2" хўжаликлараро коллекторини иншоотлари билан реконструкция қилиш ва қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 2 916 451 905,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 14 ой.

5. Лот-19-5: "Сирдарё вилояти Боёвут, Гулистон ва Мирзаобод туманларида вертикал дренаж қудуқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 3 858 877 142,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 8 654 476,0 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 30 ой.

Танлов савдолари Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирокида ўтказилади.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти.

Танлов ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти Танлов савдоларини ўтказиш бўлими.

Танловда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги танлов таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан Департаментнинг Танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй. Тел.: +99899 823-09-74, +99897 708-32-77.

Таклифлар (офёрталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти маълум қилади:

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2018 йил 13 мартдаги 27 (8890)-сонида чоп этилган танловлардаги 17. Лот-15-5-нинг бошланғич нархи ўзгармоқда.

17. Лот-15-5: "Қашқадарё вилояти Косон туманидаги "СК-5-1" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш ва "Обиҳаёт" СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқлари қуриш (2 босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 4 048 417 355,0 сўм. (ҚҚС ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 16 ой.

Мурожаат учун манзил: Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй. Тел.: +99899 823-09-74, +99897 708-32-77.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти Танлов савдоларини ўтказиш бўлими.

Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 йилдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги ЎРҚ-387 сонли қонунининг 43 моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 31.07.2012 йилдаги №2383 сонли буйруғига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари кўра, "KOK GUMBAZ SHAKHRISABZ" МЧЖ қуйидаги тартибда қимматли қоғозларга эгалик қилиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади.

Акциядорлик жамиятининг устав капиталидаги 20 та ва ундан кўпроқ акцияга эгалик қилувчилар тўғрисида МАЪЛУМОТ	
Акцияга эгалик қилувчи номи: (жисмоний шахсларнинг тўлиқ исми ёки юридик шахсларнинг тўлиқ номи)	**"KOK GUMBAZ SHAKHRISABZ" масъулияти чекланган жамияти**
Акцияга эгалик қилувчининг жойлашган жойи (почта манзили)	**100088, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Сергели тумани Олчазор кўчаси, 68/2-уй**
Тасдиқланган акцияга эгалик қилувчи, акцияга эгалик қилишда қатнашувчи	**Ахмеджанов Акрам Ахатович**
Тасдиқланган шахснинг тўлиқ исми	**Тошкент шаҳри Сиргали тумани, Олчазор кўчаси, 68/2-уй**
Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи	**"Олчазор азия" акциядорлик жамияти**
Келишув санаси	**16.03.2018 й.**
Келишув тури	**Тошли тош**
Устав фондидаги эгалик қилинаётган акция миқдори (%)	**30.0%**
Келишувдан кейинги қолган акция (дона)	**600 000 (олти юз минг)**

Тошкент ш. Яккасарой т. ТСРЎИ томонидан (02.12.2013 й., реестр № 007275-11) рўйхатга олинган "ASIUS VICTUS" М-ЖК (СТИР 302634499) норентабеллиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. апрелдаги ПК-630-сон қарорига асосан ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади.

Тошкент ш. Яккасарой т. "Ягона дарча" маркази томонидан (13.02.2017 й., реестр № 009799-11) рўйхатга олинган "MOBIL`NIY SERVIS NA KOLESAX" М-ЖК (СТИР 304595744) норентабеллиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. апрелдаги ПК-630-сон қарорига асосан ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади.

"NIKA PHARM" М-ЎКнинг (СТИР 206998608) устав фонди 1 000 000 000,00 сўмга камайтирилади. Даъволар 1-ой мобайнида Тошкент ш. Сайрам 7-тор кўч. 48-"А" уй манзилида қабул қилинади.

Ишбилгичлар маскани – Олтиариқ

(Боши 1-саҳифада)

Томирлаб кетган калтакчалардан узлуксиз нафланиб ётган узумлар ишкомдан янги узилгандек яшноқланиб турибди. Бир шингилини татиб кўрдик, совуткичларда сақланадиганлардан фарқли ўлароқ булар ширасини зарраҳаям йўқотмабди. Ҳар йилдагидек, охиргиларини Наврўз айёмида сотиб тугатмагунча, буларнинг мазаси шундайлигича тураверади.

Узумнинг ўша кунлардаги нархини тахминан билганим учун, қанчадан сотяпсиз, деб сўрамадим. Кўз тегишидан чўчидим. Даромадни чамалаш осон, лекин бунинг ортида ётган тинимсиз меҳнатни, парваришлаш, ҳашаротлардан ҳимоялаш уқубатларини, ҳавонинг қиттай ўзгаришидан ҳосил бўлувчи кўнгил ғашликларию тунги бедорликлар заҳмини ўзи бошдан ўтказмаган одамга уқтириш қийин. Эски мақолни пича ўзгартириб айтадиган бўлсак, узумини егину, машаққатини суриштирма.

Туманда узумчилик шу қадар оммалашиб боряптики, 2017 йилнинг ўзида фермерлар токзорлари яна бир юз қирқ гектарга кенгайиб, жами икки юз ўн беш гектарга етди, аҳоли томорқаларининг ўзида бир ярим минг гектар узумзор бор. Президентимизнинг тавсиясига кўра туман асосан шу соҳага ихтисослашяпти. Шу мақсадда логистика маркази барпо қилинди, маҳсулотни қайта ишловчи замонавий цехлар пайдо бўляпти. Яқин-яқинлардаям юз, икки юз тонналик совуткичли омбор қурилгани шов-шувга айланиб кетган бўлса, ҳозир биргина Адҳамжон Абдураҳмонов бошлиқ фермер хўжалигида икки минг тонналик ана шундай омбор қурилди. Бозорнинг чаққонлигини қарангки, бу хўжалик ихтиёридаги "тенд"га "Олтиариқтранс" тамғаси туширилган ўттиз бешта "фура" юк машинаси чет давлатларга сотилаётган маҳсулотларни ташиб улгурмаяпти.

Экспортдан ташқари ички бозорда ҳам нархларни имкон қадар мўътадил ушлаб туришда муҳим аҳамият касб этувчи совуткичли омборлар тобора кўпайтирилмоқда. Бири фермер, бири тадбиркор бўлган Соҳибназар Жалолов, Ҳожиакбар Юсупов, Шукуржон Холматов, Солижон Болтабоев, Мухторжон Пўлатов янглиғ ташаббускорларнинг ҳам уч юз, беш юз тонналик ана шундай омборлари бор. Умуман олганда, кейинги йилнинг ўзида вилоятда пайдо бўлган ўн саккизта совуткичли омборнинг ўнтаси Олтиариқда қурилиб, умумий сони ўттиз бештага, маҳсулот сақлаш имконияти ўттиз етти минг тоннага етди.

Иқтисодий бақувватликка эришиш омили бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликлари туманда кўпайиб бормоқда. Бу йўналишда "чўл лочини" Лолахон Муродовага тенг келадигани кам. У ҳақда Энахон Сиддиқова алоҳида китоб ёзгани боис, ортиқча тўхталиб ўтирмайман. Фақат шуни мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиманки, кўксини безаб турган "Эл-юрт ҳурмати" орденининг ёнига энди "Фидокорона хизматлари учун" ордени ҳам қўшилди.

Ташаббускор фермерлардан ҳисобланмиш Исоқжон Бойматов билан Икромали Холмуродов бу жабҳада кўп касбдошларига ўрнак бўлмоқда. Ушбу хўжаликларда шартнома режаларидагидан мўлроқ ҳосил етиштирилаётгани туфайли хирмонлар тошиб, ишчиларга бири олтмиш икки тонна буғдой, қирқ тонна картошкани, иккинчиси олтмиш беш тонна буғдой, йигирма тонна картошкани қўшимча рағбат сифатида тақсимлаб берди. Ҳар бирида бир юз йигирма нафар атрофида ишчи бор, уларнинг ўртача ойлик маоши етти юз минг сўм атрофида.

Ўтган йили Исоқжоннинг хўжалигида бир юз эллик тонна узум, тўрт юз эллик тонна сабзавот етиштирилган, бир қисми четга экспорт қилинган, мева-сабзавот сақлаш учун уч юз тонналик совуткичли омбор қурилган бўлса, Икромалининг хўжалигида бир юз етмиш тонна узум, уч юз ўттиз тонна сабзавот етиштирилди; уларнинг бир қисми ўзи қурган тўрт юз тонна сиғимли совуткичларга босиб қўйилди; қўйлар сони юзтага, хориждан келтирилган соғин қорамоллар сони бир юз йигирма бошга етди. Кунига етти юз литргача сут сотилмоқда, ўрдак-товуқларни кўпайтиришга киришилди. Даромад ортгани сайин ишчиларнинг иссиқ-совуқ маъракаларига кўмак маблағи ажратиш, хайриялар қилиш учун кенг имкон туғилмоқда. Исоқжон маҳаллани ободонлаштиришга кўпроқ эътибор қаратаётган бўлса, Икромали иккита эҳтиёжманд оилага намунали уйлардан олиб берди.

Абдураҳим Оламов деган йигит бор. Қапчғай қиридан ўн гектар ер ўзлаштириб, гилосзор ташкил этишга бел боғлаганида, бу қақроқ жойда тирикчилик қилиш мумкинлигига кўплар ишонмаганди. Мана, ҳозирда дарахтлари бирин-кетин мевага кирди. Унинг фаолияти асосида ўртоғи Набижон Қодиров сценарий ёзиб, "Ўзбекфильм" киностудиясида "Армонли дунё" фильми суратга олинди, қаҳрамоннинг исми ҳам Абдураҳим. Боғ насос орқали суғорилиши боис электр тўловининг ўзи ўттиз беш миллион сўмни ташкил этиб, ерни озиқлантириш, солиқ, ишчиларга меҳнат ҳақи бериш кабилар билан боғлиқ харажатлар гоҳо даромаднинг тўқсон фоизига тенглашиб қолса-да, борига шукур қилиб, боғни янада кенгайтиряпти. Жиззахнинг Ғаллаоролида, Қашқадарёнинг Китобида бўлиб, писта етиштириш сирларини ўргангач, янги ўзлаштирган ерларида пистазор барпо қилишга киришди. Илгари ким ўйлабди дейсиз, Олтиариқда писта ўсса-я! Ҳа, ютуқлар сари интилмоқ кишидан фақат ғайрату ишбилгичликни эмас, ўжарликни ҳам талаб этади, шекилли.

Бундай жонбозликлардан оилаларда кирим кўпайиб, юрт хазинасига ҳам қут ёғилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Олтиариқда фермерлар ихтиёридаги етти юз саксон саккиз гектар боғларда, минглаб томорқаларда етиштирилган маҳсулотлар ички бозорларни тўкинлаштирибгина қолмай, салкам ўн беш миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг, "Агар тадбиркор ўзидан ташқари лоақал яна икки кишини ишли қилаётган бўлса ҳам, уни бошимга кўтаришга тайёрман", деганида жуда чуқур маъно бор. Баъзилар ўзини ўзи эплолмаётган бир пайтда, сандиқда бехавотиргина ётган ўз маблағини чўчимасдан сарфлаб ёки гаровга тикилган мулки эвазига кредит олиб бўлса-да, ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, бу билан ўзгаларга ҳам ризқ улашаётган дангалчиларга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Раҳматли ўқитувчимиз Неъматжон Абдураҳимовнинг Фарҳод деган ўғли ҳамма болага ўхшаб кечагина кўчада варрак учириб юрарди. Замоннинг зайлини қарангки, у учта тўн эскиргунича таниқли тадбиркорга дўниб, акаси Одилжон билан бирга "Фромода текстиль" деган тикувчилик цехини ташкил этди. Бир неча йил олдин тўнғич ўғлимнинг ҳовлиси ёнидаги дўкончада олти-еттита тикувчи билан фаолият бошлагани эсимда. Бора-бора иши юришиб, Россиянинг Екатеринбургидан доимий мижоз топиб олгач, янги бино қурди, ўнлаб тикув машиналари сотиб олди, шу зайл, ишчилар сони аввал ўттиз, кейин эллик беш нафарга етди. Аксарият қисмини "АТА" брендли ички кийимлар ташкил этувчи маҳсулотнинг тўқсон беш фоизи экспорт қилинмоқда. Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам янги харидорлар пайдо бўляпти. Тадбиркорлик учун беҳад қулай шароитлар яратиб берилаётгани қўл келиб, илгари тайёр газлама келтирилиб тикилган бўлса, энди кредитга Хитойдан ускуна олиниб, шу ернинг ўзида газлама тўқиш йўлга қўйилди. Галдаги мақсад – футболкаларга гулдор расм босиш ускунасини харид қилиш.

Азизжон Ҳакимов ўзининг чорвачилик фермер хўжалиги ичида ташкил этган цех ҳам тикувчиликка ихтисослашган. Ундаги ускуналар Жанубий Кореядан сотиб олиниб, дастлаб наманганлик мутахассислар ёрдамида ўттиз нафарга яқин қиз тикувчилик сирини ўрганди, ҳозир уларнинг сони икки бараварга кўпайди. Қўшним Набижон Холбобоев отасидан қолган кичик ошхонани бошқариб юриб, секин-аста фаолиятини кенгайтираверди, автомашиналарга бензин, газ қуйиш шохобчалари очди, янгитдан катта ошхона, дўкон, автомобилларни ювиш жойлари қурди. Ташкил этган иш ўринлари олтмиштадан ошиб кетди.

Элда азалдан жуда қадрли бўлиб келган бахмал кейинги йилларда бозорда тақчиллашиб қолганди. Шу аснода Лазизбек Иброҳимов "Олтиариқ бахмали" хусусий корхонасини ишга туширгани айни муддао бўлди. Ҳозирда эллик олти нафар ишчини доимий маош билан таъминлаб келаётган бу корхона маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Бундай ишбилармонлар йилма-йил эмас, ойма-ой кўпайиб боряпти.

Ҳозирда меҳнатда жонбозлик кўрсатаётганларни қадрлаш, фаолиятини ўстириш учун янада кенг шароитлар яратиб бераверишга – ҳар қанча олқишга арзигуликдир. Шу билан бирга, оиласига, элюртига берадиганини бериб, эндиликда ҳаловатга муҳтожланиб қолган қариялларини эъзозлай билиш ҳам жуда муҳим. Бунга алоҳида эътибор қаратаётган мамлакатдан ҳеч қачон қут-барака аримагай, инша Аллоҳ.

Атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов неча йиллар олдин дам олишга келганида: "Латофатига кўра бу жувон ҳақиқий Шоҳсанам экан", деб баҳо берган Шоҳсанам Мингалиева раҳбарлигидаги кексалар ва ногиронлар санаторийсида юз бераётган катта ўзгаришларни кўриб, севинчимиз тошқинланди. Илгари уч юз ўринли бўлган, энди яна юз ўринли қаватдор муҳташам бино қад кўтарган бу масканда ўтган йили салкам тўққиз минг нафар уруш ва меҳнат фахрийсига даволаш хизматлари кўрсатилди. Ошхона ҳам яна юз ўринга кенгайтирилди.

Суви ўта шифобахш бўлган ушбу санаторий Қизилтепа чўлида жойлашган эса-да, шинам сайлгоҳ тусини олган. Баҳор келиши билан бири манзарали, бири мевали дарахтлар соясидаги йўлаклар чети анвойи гул-чечакларга бурканади. Ярмидан кўпи олма, қолгани ёнғоқ, анор, гилос, шафтоли каби дарахтлардан иборат бир ярим гектарли боғнинг мевалари муассаса ошхонаси дастурхонига янада тўкинлик киритмоқда. Сабзавот маҳсулотларининг талай қисми ҳам шу ернинг ўзида етиштирилади.

Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланувчи лаборатория-диагностика биноси, ёпиқ ва очиқ спорт майдонлари, рангли фаввора, ёзги амфитеатр қуриляпти.

Қаерга бормайлик, кўпроқ бир нарса диққатимизни тортаверди – қурилиш, қурилиш, қурилиш... Маъмурий, саноат қурилишларини қўя турайлик, ўн еттинчи йилнинг ўзида туманда бир юз ўнта намунавий уй битказилиб, уларнинг умумий сони беш юз саксон биттага етди. Бу йил яна бир юз етмиш олтита хонадон мана шундай арзон уйларга кўчиб ўтади. Ер юзининг қайсидир минтақаларидаги уруш вайронгарчиликларини кўз олдимизга келтирсак, ўзимиздаги бу манзаралар тинчлик рамзи сифатида дилларга шукроналик бағишлайверади...

... Олтиариқнинг тавсифини, бу гўшада кечаётган яратувчанликларни тўртбеш варақ қоғозга сиғдириш қийин. Унинг кўрку салобатини тўлиқ тасаввур этиш учун меҳмонга бориб, киши ҳаммасини ўз кўзи билан кўриши лозим бўлади.

> Туманда узумчилик шу қадар оммалашиб боряптики, ўн еттинчи йилнинг ўзида фермерлар токзорлари яна бир юз қирқ гектарга кенгайиб, жами икки юз ўн беш гектарга етди, аҳоли томорқаларининг ўзида бир ярим минг гектар узумзор бор. Президентимизнинг тавсиясига кўра туман асосан шу соҳага ихтисослашяпти. Шу мақсадда логистика маркази барпо қилинди, маҳсулотни қайта ишловчи замонавий цехлар пайдо бўляпти.

Суратда: Олтиариқ туманидаги Икромали Холмуродов хонадонида.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ҳамда қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Довруғли ўтмишимиз довуши

Яқинда шу тадбирлар режасига кўра, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" – ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида ўзбек маданияти ва санъати арбоблари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ижодкор зиёлилар, санъаткорлар, театр ва кино актёрлари иштирокида Самарқанд шаҳрига махсус сайёҳлик тури ташкил қилинди.

Саёҳат давомида қатнашчилар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, ҳазрати Хизр мажмуасидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти мақбараси, Регистон майдони, Амир Темур мақбараси ва Самарқанд шаҳрининг бошқа диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. Шунингдек, сайёҳлик тури иштирокчилари миллий анъаналаримиз асосида бунёд этилган, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг севимли масканларидан бирига айланган "Боғи шамол" мажмуаси билан ҳам яқиндан танишди.

"Боғи шамол"да қатнашчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган маданий-маънавий тадбир ташкил этилди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилари ўзларининг шеърий ва бадиий чиқишлари билан даврага файз киритишди.

Тадбирда Муҳаммад Али, Бахтиёр Назаров, Иброҳим Ғафуров, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Тўти Юсупова, Рихсихон Ибрагимова сингари шоиру адабиётшунослар, театр санъати усталари сўз олиб, бу каби тадбирларнинг аҳамияти хусусида гапиришди. Тадбир давомида мушоира ташкиллаштирилди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али қисқача кириш сўзи билан очиб берди.

– Самарқандга қадам қўйганимдан бошлаб қалбимда бир сукут пайдо бўлди, – деди шоир Икром Отамурод. – Бу Самарқанд сукути эди, Самарқандда бош қўйиб ётган улуғ боболар руҳи покларидан келаётган муаззам сукут эди. Бундай сукунат киши қалбида Бухорода, Хивада, Марғилонда, Кешу Насафда, Қўқонда ҳам пайдо бўлади. Ана шу сукут миллий маънавият илдизларининг нақадар теранлигидан далолат беради. Бу сукутда довруғли тарихимиз довуши янграётгандай, гўё.

Сукутга кетаман, сукутга,
Сust қотаман... сust қот... энтикаман дар,
Кўзларимга тиқилар шовуш.
Қанчалар олисдан келган бўлса гар,
Шунчалар олислаб кетар бу довуш...

Ориф ҲОЖИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ҳамжиҳатлик ва эзгулик айёми

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хоразм вилоятида ҳам Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилди. "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган дастурлар Урганч шаҳрининг "Авесто" мажмуасида ва бошқа хушманзара масканларда, жумладан, Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғида, "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтмоқда. Уларда халқимиза хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва саховатпешалик фазилатлари кенг намоён бўлаётир.

Қадимий Хива шаҳрида Наврўз шодиёналари театрлаштирилган шаклда ўтказилмоқда. Наврўз байрамига хорижий сайёҳлар ҳам жалб этилиб, улар урф-одатларимиз билан таништирилмоқда.

Байрам дастурларидан ўрин олган ҳар бир қўшиқ, ялла, лапар ва рақсларда, қолаверса, фольклор жамоаларининг чиқишларида юртимиз инсонларининг бағри кенглиги, халқимиз урф-одатлари тараннум этилмоқда.

Шу билан бирга байрам томошаларидан бахшию созандалар, раққосу рақоса-лар, дарбозу масхарабозларнинг бетакрор чиқишлари ва спортчиларимизнинг беллашувлари, полвонларнинг чиқишлари, қўчқор уриштириш ва бошқа халқ томошалари ўрин олган.

– Бу йилги Наврўз байрами Хоразмда ўзгача тарзда ўтказилиши билан ўтган йиллардагидан фарқ қилади, – дейди Хоразм вилояти Маданият бошқармаси бошлиғи Ҳамиджон Сафоев.

Бундай тадбирлар вилоятнинг туман ва шаҳарларида қизғин тусга кирмоқда.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 644-44-11;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-313, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21641 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **01.40**

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123 56